



THE EXPERIENCE OF EUROPEAN COUNTRIES IN THE ORGANIZATIONAL AND LEGAL PROVISION OF CRIME PREVENTION

Tillayev Ikrom Rustamjonovich

Independent Researcher, Criminological Research Institute of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18814623>

ARTICLE INFO

Received: 22nd February 2026

Accepted: 27th February 2026

Online: 28th February 2026

KEYWORDS

Crime prevention, organizational and legal provision, European experience, Germany, France, the Netherlands, prevention councils, civil society, social prevention, victimological approach, local security policy.

ABSTRACT

This article provides a scientific analysis of the experience of European countries - specifically Germany, France, and the Netherlands - in the organizational and legal provision of crime prevention. The author conducts a comparative study of the legal foundations of preventive activities in each country, the mechanisms of cooperation between state and public institutions, and the methods of practical implementation. In the case of the Federal Republic of Germany, the article highlights the governance system at the federal, state, and local levels, the active participation of civil society institutions, and the priority of a socio-psychological approach in crime prevention. In the French Republic, it illuminates the practice of organizing preventive measures through local security councils, the cooperation between state and municipal bodies, and individualized work with various segments of the population. Using the example of the Netherlands, the three-tiered system of prevention - comprising primary, secondary, and tertiary prevention models - is analyzed. Furthermore, the study examines the country's partnership-based governance, its use of the "quality of life index" for performance evaluation, and its advanced methods of working with youth. Based on the research findings, it is emphasized that the experience of these European countries holds significant scientific and practical importance for improving the crime prevention system in Uzbekistan, strengthening cooperation at the local level, and implementing social and victimological approaches in practice.

ЎҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛИЙ-ЎҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Тиллаев Икром Рустамжонович



Ўзбекистон Республикаси Криминологик тадқиқотлар институти мустақил
изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18814623>

ARTICLE INFO

Received: 22nd February 2026

Accepted: 27th February 2026

Online: 28th February 2026

KEYWORDS

Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси,
ташкилий-ҳуқуқий
таъминлаш, Европа
тажрибаси, Германия,
Франция, Нидерландия,
профилактика кенгашлари,
фуқаролик жамияти,
ижтимоий профилактика,
виктимологик ёндашув,
маҳаллий хавфсизлик
сиёсати.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш бўйича Европа давлатлари Германия, Франция ва Нидерландия тажрибаси илмий таҳлил қилинган. Муаллиф ҳар бир мамлакатда профилактика фаолиятининг ҳуқуқий асослари, давлат ва жамият институтлари ўртасидаги ҳамкорлик механизмлари ҳамда амалий татбиқ этиш усулларини қиёсий жиҳатдан ўрганган. Германия Федератив Республикаси мисолида жиноятчиликнинг олдини олишда федерал, ер ва маҳаллий даражалардаги бошқарув тизими, фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки ва ижтимоий-психологик ёндашувнинг устуворлиги кўрсатиб берилган. Франция Республикасида эса маҳаллий хавфсизлик кенгашлари орқали профилактика тадбирларини ташкил этиш, давлат ва муниципал органлар ҳамкорлиги ҳамда аҳолининг турли қатламлари билан индивидуал ишлаш амалиёти ёритилган. Нидерландия мисолида профилактиканинг уч босқичли тизими бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика моделлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мамлакатда партнёрликка асосланган бошқарув, “ҳаёт сифати индекси” орқали самарадорликни баҳолаш ва ёшлар билан ишлашнинг илғор усуллари ўрганилган. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, Европа мамлакатларининг тажрибаси Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш, маҳаллий даражадаги ҳамкорликни кучайтириш, ижтимоий ва виктимологик ёндашувларни амалиётга жорий этишда муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этиши таъкидланган.

Бугунги кунда
ҳуқуқбузарликлар этиш нафақат ички ишлар органлари,
профилактикасини самарали ташкил олдида турган устувор вазибалардан



бири ҳисобланади. Бу борадаги тадбирларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу соҳани ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш даражасига боғлиқ. Зеро, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тизимли ва мақсадли ёндашув жамиятда ҳуқуқий хабардорликни ошириш, шахс ва давлат ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш, шу билан бирга жиноятчилик даражасини камайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда охириги йилларда жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун, Президент ва Ҳукумат қарорлари, идоравий дастурлар ҳамда маҳаллий даражадаги ташаббуслар ушбу соҳадаги ҳуқуқий асосларни шакллантирмоқда. Аммо ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммолар, ижтимоий ва виктимологик профилактиканинг етарли даражада шаклланмаганлиги, аҳолининг айрим қатламларини қамраб олган самарали механизмларнинг етишмаслиги ушбу йўналишни янада такомиллаштириш заруратини кун тартибига қўймоқда.

Шу нуқтаи назардан, мазкур параграфда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг соҳасида хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари таҳлил қилинади ҳамда миллий амалиётга жорий этиш имкониятлари кўриб чиқилади. Бу, эса ўз навбатида, профилактика тизимини ташкилий-

ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда янги ёндашувларни жорий этишга хизмат қилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил этишда уларни шартли равишда турли гуруҳларга — Европа, Америка, Шарқ ва МДҲ мамлакатларига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бу йўналишда ҳар бир минтақа ва ҳуқуқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Европа мамлакатларида профилактика тизими, одатда, демократия тамойиллари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва жамоатчилик иштирокини кенг йўлга қўйишга асосланади;

Америка қитъаси давлатларида жиноятчиликка қарши курашда илмий таҳлил, инновацион ёндашувлар ва маҳаллий ҳамжамиятларни фаол жалб этиш амалиёти кенг қўлланилади;

Шарқ давлатларида (масалан, Сингапур, Япония) қонун устуворлиги қатъий ижро интизоми, давлат назорати ва жамоавий масъулият ҳисси билан уйғунлашган ҳолда таъминланади;

МДҲ мамлакатларида эса профилактика тизими кўп ҳолларда тарихий-ҳуқуқий анъаналарни сақлаб қолиш ва марказлашган бошқарув усулларида фойдаланиш орқали амалга оширилади.



Биринчи гуруҳ, Европа мамлакатларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш бўйича тажрибаси таҳлил қилинади.

1) Германия Федератив Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу мамлакатда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ишлар нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида тизимли равишда амалга оширилади.

Германияда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, аввало, мустақкам ташкилий-ҳуқуқий асосларга таянади. Ушбу соҳада амалга ошириладиган чора-тадбирлар федерал, ерлар ва маҳаллий даражада турлича тартибга солинади. Хусусан, Федерал жиноят полицияси (Bundeskriminalamt¹) турли йўналишларда профилактика дастурларини амалга оширса-да, улар бир умуммиллий, ягона ҳуқуқий ҳужжат шаклида эмас, балки алоҳида соҳавий ва мақсадли дастурлар кўринишида бўлади. Масалан,

Федерал даражада – DFK (Жиноятчиликни олдини олиш Германия форуми), ВКА дастурлари, тематик миллий кампаниялар орқали; Федерал ерлар даражасида – ҳар бир ернинг ўзининг регионал стратегия ва маҳаллий профилактика кенгашлари орқали; Маҳаллий даражада – шаҳар ва қишлоқ даражасидаги профилактика чоралари орқали амалга оширилади². Ҳар бир федерал ерда қабул қилинган регионал стратегиялар профилактиканинг ташкилий-ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади³. Ушбу дастурлар жиноятчиликни бартараф этишдан кўра, унинг илдиз омилларини аниқлаш ва барвақт бартараф этишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Германияда профилактика тадбирлари, асосан, *ижтимоий-психологик ёндашув* асосида шакллантирилади. Яшаш муҳити, оилавий вазият, таълим даражаси, ишсизлик, ижтимоий изоляция ҳамда руҳий ҳолат жиноятчилик пайдо бўлиш эҳтимолини оширувчи асосий хавф омиллари сифатида баҳоланади. Шу боис профилактика чора-тадбирлари ижтимоий-психологик, педагогик ва тиббий профилактика элементларининг уйғун қўлланилишига асосланади. Бу ёндашув жиноятчиликни келтириб

¹ Изоҳ: Bundeskriminalamt – Германия Федерал ҳукуматида қарашли, тўғридан-тўғри Федерал ички ишлар вазирлигига бўйсунувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасидир.

²What we do// https://www.praeventionstag.de/nano.cms/english?utm_source=chatgpt.com; Шоумаров З.Ш., Алибекова Ш.Б., Передовой зарубежный опыт организации виктимологической профилактики

преступлений против половой свободы. file:///C:/Users/user/Downloads/CAJEI+0508.pdf.

³ Bundeskriminalamt. The ВКА. https://www.bka.de/EN/Home/home_node.html; Aktuelle Informationen // https://www.bka.de/DE/Home/home_node.html; Bundeskriminalamt (ВКА) <https://www.ojp.gov/ncjrs/virtual-library/abstracts/bundeskriminalamt-bka>



чиқариши мумкин бўлган илдиз сабабларни аниқлаш ва уларни барвақт бартараф этишга қаратилган. Масалан, мактаб ёшидаги болалар ва ёшлар билан амалга ошириладиган профилактика лойиҳаларида уларнинг ижтимоий эҳтиёжлари, шахсий муносабатлари ва мавжуд муаммолари инобатга олинади.

Шу билан бирга, Германияда фуқаролик жамияти институтлари профилактика тизимининг ажралмас иштирокчилари ҳисобланади. Нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳамжамиятлар, таълим муассасалари, дин вакиллари ва ёшлар марказлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган лойиҳалар аҳолида ҳуқуқий хабардорликни ошириш, жиноятчиликка мойилликни пасайтириш ва жамиятда ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришга йўналтирилган. Масалан, “**Weisser Ring**” ташкилоти⁴ жиноят қурбонларига ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда, виктимизация хавфини камайтиришга қаратилган профилактика тадбирларида ҳам фаол иштирок этади⁵.

Шунингдек, Германияда маҳаллий даражадаги **Жиноятчиликни олдини олиш**

кенгашлари (Kriminalpräventive Räte) ташкил этилган бўлиб, улар профилактиканинг стратегик йўналишларини белгилайди, соҳалар бўйича таҳлиллар олиб боради ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқади⁶. Бу кенгашлар аниқ жиноят турларига (масалан, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар, оилавий зўравонлик, киберфирибгарлик) йўналтирилган махсус дастурлар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Юқоридагиларга асосланиб таъкидлаш жоизки, Германиянинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги тажрибаси жиноятчиликнинг олдини олиш нафақат ҳуқуқий механизмлар, балки кенг қамровли ижтимоий ва психологик ёндашувлар орқали амалга оширилишини кўрсатади. Ушбу тажриба Ўзбекистон учун профилактиканинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти ва таълим тизими билан ҳамкорликда жиноятларнинг илдиз сабабларини бартараф этишга қаратилган чораларни жорий этишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, маҳаллий даражада жиноятчиликни

⁴ Изох: **WEISSER RING** – Германиядаги ягона, бутун мамлакат бўйлаб фаолият юритувчи жиноят қурбонларига ёрдам кўрсатиш ташкилотидир. Ташкилот томонидан кўрсатиладиган ёрдамнинг асосий ғояси жиноят қурбонларига бепул ёрдам беришдан иборат. Ёрдам кўрсатувчи ходимлар ихтиёрий ва шу билан бирга профессионал тарзда ҳар бир жабрланувчи билан яқка тартибда иш олиб борадилар. Ташкилот давлат маблағларидан мустақил равишда фаолият юритади ҳамда мамлакат бўйлаб 390 дан ортиқ маҳаллий алоқа нуқталарига эга.

⁵ WEISSER RING (Germany). <https://weisser-ring.de/english>. https://stopstalkerware.org/partners/weisser-ring/?utm_source=chatgpt.com.

⁶Kriminalpräventiver Rat. <https://www.trier.de/leben-in-trier/sicherheit/kriminalpraevention/#:~:text=Der%20Kriminalpr%C3%A4ventive%20Rat%20versteht%20sich,Verh%C3%Bctung%20von%20Straftaten%20beitragen%20k%C3%B6nnen.>



таҳлил қилиш ва комплекс ёндашувларни ишлаб чиқиш борасида Германиядаги жиноятчиликни олдини олиш кенгашлари фаолиятини ўрганиш ва мослаштириш мақсадга мувофиқдир.

2) Франция Республикасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унинг ижтимоий илдизларини бартараф этиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кенг қамровли ва кўп даражали тизим асосида амалга оширилиб, унинг марказида *муниципал даражадаги ҳамкорликка асосланган маҳаллий хавфсизлик сиёсати* турибди. Францияда жиноятларнинг олдини олиш фақат жазога йўналтирилмаган, балки профилактиканинг умумжамият даражасида турли ҳолатларда амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, *биринчи ҳолатда* оилалар ўзларида юзага келган қийинчиликларни англаб етади ва профилактика субъектлари томонидан ёрдам кўрсатилишига розилик беради. *Иккинчи ҳолат* эса бола учун хавфли вазият юзага келганини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд бўлган ҳолатларни, шу жумладан, болага нисбатан жиноий ҳаракат содир этилганини назарда тутуди⁷.

Профилактика тадбирлари асосан *муниципал даражада* амалга

оширилиб, бунинг учун мамлакатнинг деярли ҳар бир шаҳар ва коммуналарида Францияда *Жиноятчиликни олдини олиш миллий кенгаши* (Conseil National de la Prévention de la Délinquance) фаолият юритади. Ушбу кенгашлар шаҳар ҳокими раҳбарлигида ташкил этилади ва уларнинг таркибига полиция, прокуратура, таълим муассасалари, ижтимоий хизматлар ва нодавлат ташкилотлар вакиллари киради. Бу кенгашлар ҳар бир ҳудуддаги жиноятчиликнинг ҳолати, хавф даражаси ва жиноят турларининг таҳлили асосида мақсадли профилактик чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланади. Муниципал даражада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишга ихтисослашган 800 га яқин кенгаш мавжуд. Шунинг таъкидлаш кераки, қўшма профилактик тадбирларни амалга ошириш муниципалитетлар ва Франция ҳукумати ўртасида тузилган ва мажбурий тавсифга эга шартномалар билан тартибга солинади, улар асосида илмий-тадқиқот ишлари ва марказлар фаолияти молиялаштирилади⁸.

Франциянинг ушбу тизимида аҳолининг турли гуруҳлари айниқса ёшлар, ижтимоий жиҳатдан ҳимоясиз шахслар ва аввал жиноят содир этган фуқаролар билан профилактик ишларни индивидуал ёндашув

⁷Миркулов Р.И., Зарубежный опыт предупреждения и профилактики правонарушений среди несовершеннолетних. International Journal of Humanities and Natural Sciences, vol. 2-2(53), 2021. –Ст.179-180.

⁸Хўжақулов С.Б., Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: генезиси, назарияси ва амалиёти. Юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Т.: 2023.–Б.149-150.



асосида ташкил этишга алоҳида эътибор берилади.

Франциядаги профилактика фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати – шаҳарларни режалаштириш, ёшлар билан ишлаш, таълим ва иш билан таъминлаш сиёсатида жиноятчилик хавфини камайтириш масалалари ҳам инobatга олинади. Шунингдек, жамоат жойларидаги видеокузатув тизимлари, ёритиш воситалари, хавфсиз транспорт йўлаклари каби инфраструктура ечимлари орқали жиноятлар учун имкониятлар чекланади.

Юқоридагиларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, Франциядаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими жиноятчиликнинг ижтимоий сабабларини бартараф этиш, маҳаллий даражада кенг қамровли субъектлар иштирокидаги комплекс ёндашувни татбиқ этиш ва профилактика тадбирларини давлат сиёсати даражасида амалга ошириш билан ажралиб туради. Ушбу тажриба, жумладан, маҳаллий хавфсизлик кенгашлари фаолиятини Ўзбекистон шароитига мослаштириш орқали жойларда жиноятларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш, аҳоли фаоллигини кучайтириш ҳамда ҳуқуқий хабардорликни юксалтириш

учун муҳим тажриба бўлиб хизмат қилади.

3) Нидерландияда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масаласи ҳуқуқий давлат концепциясининг асосий устунларидан бири сифатида қаралади. Бу мамлакатда профилактика фаолияти репрессив механизмларга эмас, балки жамиятда барқарор, хавфсиз муҳит яратиш ва ижтимоий адолатни таъминлашга йўналтирилган. Нидерландиядаги профилактиканинг ташкилий-ҳуқуқий асослари “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш дастури”, “Ёшлар ҳуқуқбузарлигига қарши миллий стратегия”, “Қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш концепцияси”, “рецидив виктимизация” каби ҳужжатларда ўз ифодасини топган⁹.

Таклиф этилган концепциялар, хусусан, “рецидив виктимизация” (жиноятлар аҳолининг муайян кичик қисмига нисбатан содир этилиши аниқланган ҳолат) ва “қайноқ нуқталар” (маълум нуқталарда жиноятлар энг кўп содир этилиши аниқланган ҳолат) ситуатив профилактикани энг сезиларли ва кутилган натижа бериш имконияти юқори бўлган ҳудудларга йўналтиришга хизмат қилди¹⁰.

⁹ Жерновой М.В., Бутков А.В., Некоторые особенности профилактики правонарушений в зарубежных странах. // <file:///C:/Users/user/Downloads/nekotorye-osobennosti-profilaktiki-pravonarusheniy-v-zarubezhnyh-stranah.pdf>; Yusupov Z.U., International experience on building a crime prevention system. Аграрное и земельное право. 2022. № 10(214). <file:///C:/Users/user/Downloads/mezhdunarodnyy-opyt-po-postroeniyu-sistemy-preduprezhdeniya->

[prestupnosti.pdf](#); Ещанов А.Ш., О зарубежном опыте предупреждения преступности(на примере США, Канады и некоторых стран Западной Европы). <https://astanazan.kz/?p=6737>.

¹⁰ Жерновой М.В., Бутков А.В., Некоторые особенности профилактики правонарушений в зарубежных странах. // <file:///C:/Users/user/Downloads/nekotorye-osobennosti-profilaktiki-pravonarusheniy-v-zarubezhnyh-stranah.pdf>; Yusupov Z.U., International experience on building a crime



Шунингдек, амалга оширилган баҳолаш ишлари натижалари ҳақидаги кўплаб нашрлар ҳам бу жараёнга ҳисса қўшди, уларнинг катта қисми жиноятчилик даражасининг аниқ, баъзан эса сезиларли даражада пасайганини кўрсатади.

Ушбу мамлакатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси уч босқичли тизимга асосланади:

Бирламчи профилактика – аҳолини умумий хавфдан ҳимоя қилиш, ҳуқуқий хабардорликни ошириш ва хавфсиз муҳитни яратиш;

Иккиламчи профилактика – ҳуқуқбузарлик содир этиши эҳтимоли юқори бўлган шахслар ва гуруҳлар билан ишлаш;

Учламчи профилактика – жиноят содир этган фуқароларни реинтеграция қилиш ва қайта жиноят содир этиш эҳтимолини камайтириш.

Профилактик чора-тадбирлар кўп жиҳатдан партнёрликка асосланган бошқарув модели асосида ташкил этилади. Давлат органлари, полиция, маҳаллий бошқарув органлари, мактаблар, соғлиқни сақлаш муассасалари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик, мувофиқлаштирувчи кенгашлар ва ишчи гуруҳлар орқали амалга оширилади. Бу тизимда

полиция жамоатчилигининг шериги сифатида фаолият юритиб, ҳуқуқбузарликларни жазолашдан кўра уларнинг олдини олишга устувор аҳамият беради.

Нидерландияда профилактика самарадорлиги алоҳида ўлчовлар орқали баҳоланади. Масалан, ҳар бир маҳаллада “ҳаёт сифати индекси” ишлаб чиқилган бўлиб, у аҳолининг хавфсизлик ҳисси, иш билан таъминланиш, таълимга етарли кириш, жиноятчилик даражаси каби кўрсаткичлар асосида таҳлил қилинади. Ушбу маълумотлар асосида ҳар бир туман учун алоҳида профилактика дастурлари қабул қилинади.

Шунингдек, Нидерландияда ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликка қарши самарали стратегиялар жорий этилган. Уларда мактаблардаги интизомни яхшилаш, спорт ва маданий фаолиятларни рағбатлантириш, ишсизликни камайтириш, ёшлар маслаҳат марказлари орқали ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш каби чора-тадбирлар мавжуд¹¹. Қолаверса, қайта ижтимоийлашув ва реабилитация дастурлари орқали жиноят содир этган шахсларнинг жамиятга мослашуви таъминланади.

prevention system. Аграрное и земельное право. 2022. № 10(214). <file:///C:/Users/user/Downloads/mezhdunarodnyy-opyt-po-postroeniyu-sistemy-preduprezhdeniya-prestupnosti.pdf>.; Ещанов А.Ш., О зарубежном опыте предупреждения преступности(на примере США, Канады и некоторых стран Западной Европы). <https://astanazan.kz/?p=6737>.

¹¹ Yusupov Z.U., International experience on building a crime prevention system. Аграрное и земельное право. 2022. № 10(214). <file:///C:/Users/user/Downloads/mezhdunarodnyy-opyt-po-postroeniyu-sistemy-preduprezhdeniya-prestupnosti.pdf>.; Ещанов А.Ш., О зарубежном опыте предупреждения преступности(на примере США, Канады и некоторых стран Западной Европы). <https://astanazan.kz/?p=6737>.



Юқоридагиларга асосланиб таъкидлаш жоизки, Нидерландия тажрибаси профилактик фаолиятни жиноят содир этилиши эҳтимолини камайтиришга қаратилган ҳар томонлама комплекс ва илғор ёндашув билан ажралиб туради. Ушбу тажриба ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда инсон ҳуқуқлари,

ижтимоий тенглик ва мулоқотни устувор қиммат сифатида эътироф этиш зарурлигини кўрсатади. Ўзбекистон шароитида бу амалиётни жорий қилиш профилактик хизматлар фаолиятини демократик, самарали ва натижага йўналтирилган шаклда ташкил этишда муҳим ўрнатилган бўлиши мумкин.